



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2020 йил 23 сентябрь, № 201 (7703) Чоршанба

Сайтимида ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТСИЗ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ КЕЛАЖАГИ ЙЎҚ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 22 сентябрь куни тармоқ ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон ҳукуматни жорий қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бугун дунёда рақамли технологиялар барча соҳа ва одамлар ҳаётига жадал кириб бормоқда. Бу йўналишга ўз вақтида киришган давлатлар ривожланиб, аксинча, эскича ишлаганлар тараққиётдан орқада қолипти.

2020 йил мамлакатимизда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилиниб, бу борада катта ишлар бошланди. Хусусан, 28 апрелда давлатимиз раҳбарининг "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Видеоселектор йиғилишида шу борада амалга оширилаётган ишлар, жорий йил якуни ва 2021 йил биринчи чорага йўлланган лойиҳалар муҳокама этилди.

— Тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари рақамлаштириш-сиз натижа, ривожланиш бўлмаслигини тушуниб этиш шарт. Барча даражадаги раҳбарлар бунинг қандали вазифа сифатида белгилаб, рақамлаштириш соҳасини алифбосидан бошлаб чуқур ўрганиши керак, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Жорий йил якуни бўйича ҳар бир тармоқ ва ҳудуд раҳбари рақамли иқтисодиёт соҳасида кескин ўзгариш қилиши зарурлиги қайд этилди. Президент бу аниқлашларни одамлар ўз ҳаётида, бюрократия ва коррупция қамагани мисолида, давлат хизматларини кўрсатиш тезлашганида сезиши лозимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИДЕНТИФИКАЦИЯ ID-КАРТАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ахборот тизимини жадал ривожлантириш, аҳолига давлат хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, турли ахборот тизимларида ва масофавий хизмат кўрсатишда шахсини идентификациялашнинг ягона механизмини жорий этиш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини самарали таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижда чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4079-сон қарори билан республиканинг мажбури биометрик паспорт тизими инфратузилмаси негизда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти ўрнига 2021 йилдан бошлаб идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кенг жамоатчилик фикрларини ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказининг қўйидаги тақлифларига розилик берилсин:

идентификация ID-карталарини олиш ва алмаштириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ўз ихтиёрига кўра хоҳлаган ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларига, уларни алмаштириш учун эса давлат хизматлари марказларига ҳам мурожаат қилиши учун имкониятни яратиш;

идентификация ID-карталарини олиш учун Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзилдаги ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига, алмаштириш учун эса ўз ихтиёрига кўра хоҳлаган ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларига мурожаат қилиши учун имкониятни яратиш;

идентификация ID-картасининг бланкисида эгасининг миллати ҳақидаги маълумотлар кўрсатилмасдан ID-картанинг чипига киритилиши;

фуқаро ўз ID-картасини олиш ёки алмаштириш юзасидан ўз вақтида мурожаат қилмаган, яроқсиз ҳолга келтирган ва йўқотиб қўйган тақдирда, маъмурий жавобгарликка тортилмаслиги;

янги тузилган болага идентификация ID-карталари мажбурий берилмасдан, унинг туғилиши ФХДЭ органи томонидан қайд этилиб, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома тақдим қилинганидан сўнг ота-онаси, васийлари (ҳомийлари) ихтиёрига кўра расмийлаштирилиши.

(Давоми 2-бетда).

Ифтихор

«БМТ юксак минбаридан ўзбек тилининг янграши бизнинг ҳам фахримиздир»

Шу кунларда миллионлаб юртдошларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида иштирок этадиган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг маърузасини катта ҳаяжон ва зўр иштиёқ билан кутаётгани айни ҳақиқат. Бу бежиз эмас. Чунки БМТ олий минбаридан илк бор давлат раҳбари ўзбек тилида сўзлайди. Бу барчамиз учун чинакам гурурбахш воқеалиқдир. Қолаверса, Ер юзининг миллионларда аҳолиси она тилимиз охнарабосидан завқ олиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Юртбошимизнинг ушбу нуфузли ташкилотнинг юбилей сессиясидаги иштирокини хорижий экспертлар, сиёсий доиралар вакиллари ҳам алоҳида эътироф этмоқда. Куйида Жомия Миллия Исламия университети (Ҳиндистон) ўзбек тили ўқитувчиси, профессор Шаҳид Таслимнинг фикрларини келтирамиз: — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 23 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида юқори даражадаги умумсиёсий мунозараларда иштирок этиши ва унинг юксак минбардан мустақил



Ўзбекистон тарихида илк бор ўзбек тилида нутқ сўзлаши кутилаётгани бизнинг ҳам қалбимизда фахр туйғуларини уйғотди.

Биз ва жаҳон

«ПАНДЕМИЯ ЎЗБЕКИСТОННИ ТЎХТАТА ОЛМАДИ: БИЗ ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИНИ КЎРГАН ҲОЛДА, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЭКСПОРТНИ ТЕЗДА ТИКЛАШГА МУВАФФАҚ БЎЛДИК»

Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Сардор Умуразоқов «Corriere della Sera» газетаси мухбири саволларига жавоб қайтарди.

РИМ, 22 сентябрь. /«Дунё» АА/. Мамлакатимизнинг Италиядаги элчихонаси маълумотига кўра, Италиянинг етакчи нашрларидан бири — «Corriere della Sera» газетаси журналисти Фаридан Сабаҳи хонимнинг "Ўзбекистон — COVID-19 ва иқтисодий ўсиш ўртасида" сарлаҳали мақоласини чоп этди. Унда муаллиф Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умуразоқов билан суҳбат уюштирган.

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ АФҒОНИСТОНДАГИ МИЛЛИЙ ЯРАШУВ ЖАБҲАСИДАГИ ЎРНИ»

Нуфузли "The Diplomat" таҳлилий электрон журналида (АҚШ) жойлаштирилган мақола шундай номланган. Мақола муаллифи — таҳлилий, "AKM Consulting" компанияси етакчи ижрочи директори, Америка Қўшма Штатлари Ҳарбий-денгиз кучлари собиқ офицери Джеймс Дурсо (James Durso).

Дунё нигоҳи

Мақолада қайд этилишича, 2016 йилда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганидан сўнг республиканинг Афғонистонга нисбатан ёндашуви ва давлат сиёсати ўзгаришига юз тутди. 2018 йили қабул қилинган Тошкент декларацияси нафақат Афғонистонда тинчлик музокараларини жадаллаштирди, балки Марказий Осиё мамлакатларининг мазкур жараёндаги янги ролини белгилаб берди.

Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари Афғонистонда кечаётган воқеалардан зарар кўрмоқда. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ушбу мамлакатга етарлиқ ёрдам бера олмайди. Жумладан, Тожикистон ва Қирғизистоннинг иқтисодий шароити, Туркменистонга эса унинг "бетарафлик" сиёсати бунга йўл қўймайди. Узининг жуғрофий жойлашуви, табиий, иқтисодий ва инсоний ресурслари нуктаи назардан Ўзбекистон бу борада энг яхши позицияга эга. Аҳамиятли, Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакат мазкур устунликлардан тўлақонли равишда фойдаланишга киришди. Афғонистонда АҚШ қўшинлари сони тобора ка-



майиб бораётган бир пайтда Ўзбекистоннинг аҳамияти янада ортиши, шубҳасиз. "Ушбу, Афғонистондаги жараёнларда Ўзбекистон қай тарада иштирок этмоқда?" дея савол беради муаллиф.

Биринчидан, Ўзбекистон Афғонистонга товарларни экспорт қилиш ва ушбу мамлакатдан импортни амалга ошириш учун энг яхши ҳамда қулай нуктадир. Термиз ва Навоий шаҳарларида яратилган инфратузилма (темир йўл ҳамда ҳаво транспорти) шу пайтгача Афғонистонга товар олиб кириш ва олиб чиқиш учун қўлланиб келган нукталарнинг ўрнини босиш қобилиятига эга. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг автомобиль ҳамда темир йўллари Осиё тараққиёт банки молиялаштираётган "Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлиги" (CAREC) дастури доирасида янгиланиб, модернизация жараёни амалга оширилмоқда. Республика нафақат Мозори-Шарифга темир йўл линиясини кўрди, балки унинг Хирот шаҳригача, келажақда эса Эрон денгиз бўйи шаҳарларига ҳам узайтирилиши кутилмоқда. Натижада Марказий Осиё давлат-

ларини денгиз портлари билан боғлайдиган транспорт йўлига шаклланди. Мазкур транспорт стратегиялари Афғонистондаги миллий ярашув ва жипслашув жараёнларини жадаллаштириш имкониятига эгадир.

Иккинчидан, Ўзбекистон бугунги кунда афғон ишлари учун сифатли таълим ва касбга ўргатиш нуктаи назардан "оҳанрабо"га айланмоқда. Термизда қўшни давлат фуқаролари учун махсус таълим маркази фаолияти йўлга қўйилган.

Ушбу муассаса Афғонистоннинг турли нукталаридан бўлган ёшларга нафақат таъсил олиш, балки, энг асосийси, бир-бирлари билан танишиш, ўзаро мулоқот ўрнатish учун шароит яратди. Бу ерда улар касб сир-асрорларини ўрганади, замонавий талаблар асосида бизнес юритиш бўйича маҳорат дарслари олади. Энг муҳими, афғон ёшлари Ўзбекистоннинг жадал тараққиётга асосида ётган муҳим омиллардан бири мамлакатда ҳўм сураётган тинчлик ва оқойишлик эканлигини англаб етди ҳамда ўз мамлакатини келажагини қуришда ушбу тамойилга амал қилади.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 72-СЕССИЯСИДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН ВА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТАШАББУСЛАР

- "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси ташкил этилди (2018 йил 27 март)
- Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари ўтказилди. БМТ Бош Ассамблеясининг "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" резолюцияси қабул қилинди (2018 йил 22 июнь)
- Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича қўл томонлама шериклик асосида траст фондига асос солинди (2018 йил 27 ноябрь)
- БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" ҳақидаги резолюцияси қабул қилинди (2018 йил 12 декабрь)
- "Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенция лойиҳаси ишлаб чиқилди. У инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи Самарқанд веб-форумида муҳокама қилинди (2020 йил 12-13 август кунлари)



ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ ТАНЛОВЛАР

ЎЗБЕК ТИЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХАЛҚАРО МИҚЁСДА НУФУЗИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН

Республика Маънавият ва маърифат марказида давлат тилини тарғиб қилишга қаратилган илмий-ижодий танловларга доир брифинг ўтказилди.

Брифинг аввалида сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат тилининг нуфузи ва маъқоли юксалтириш борасида кўплаб ишлар бажарилгани, хусусан, "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва маъқоли тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони қабул қилингани, Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган сана — 21 октябрда юртимизда "Ўзбек тили байрами куни" деб белгиланиб, Вазирилар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил қилингани қайд этилди.

Брифинг

Шундан сўнг ўзбек тилини ривожлантириш ва халқаро миқёсда нуфузини ошириш, давлат тили сифатида ўқитилишида илгор педагогик фаолиятни кўллаб-қувватлаш, она тилининг ўқитиш методикасини тақомиллаштириш мақсадида ўтказилаётган танловлар бўйича ахборот берилди.

Ана шундай танловлардан бири "Қадринг баяни бўлсин, она тилим" деб номланган бўлиб, Вазирилар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти, Республика Маънавият ва маърифат маркази, "Ўзбекистон" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар ижодий уюшмалари ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг 20 июль куни эълон қилинган мазкур танлов учун ташкилий қўмитага 20 сентябрга қадар жами 1 750 та ижодий иш келиб тушган.

Иштирокчилар танловда "Энг яхши бадий асар", "Энг яхши публицистик мақола", "Ўзбек тилининг хориждаги энг яхши тарғиботи", "Энг яхши ижтимоий роликлар" номинациялари бўйича ўз ишлари билан қатнашмоқда.

Ижодий ишларнинг деярли 90 фоизи (1621 таси) @TilTanlovBot телеграм бот орқали, қарийб 10 фоизи (129 таси) esa info-til@gov.uz электрон почтаси орқали келиб тушди.

Мазкур танловлар давлат тилини миллий қадрият сифатида тарғиб қилиш, миллий гуруҳ хиссини тарбиялаш, тилмизнинг халқаро маъқолини мустаҳкамлаш, энг муҳими, давлат тилига оид муаммоларни ҳал этишда ижодий ёндашувни ривожлантиришга қаратилган, — деди Вазирилар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти мудири Абдуғаффор Қирғизбоев.

— Аҳамиятлиси, танловга АҚШ, Франция, Россия, Жанубий Корея, Хитой, Туркия, Эрон, Озарбайжон, Козогистон, Қирғизистон, Тожикистон сингари ўндан ортиқ яқин ва узоқ хорижий давлатлардан ижодий ишлар келиб тушди. Улар орасида Афғонистондаги миллатдошларимизнинг фаолигини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Танловларнинг ҳар бири йўналиши бўйича голиб деб топилган муаллифларнинг ишлари тўпلام шаклида нашр қилиниши назарда тутилган. Хусусан, энг илгор деб топилган методик ишланмалар амалиётга кенг татбиқ этилиши ўзбек тилини ўқитиш услубиятининг тақомиллаштиришга хизмат қилади.

Брифингда Давлат тилини ривожлантириш департаментининг Олий ва ўрта махсус таълим вазири билан ҳамкорликдаги "Ўзбек тилини ўқитишнинг энг яхши методикаси" танлови ҳақида ҳам маълумот берилди. Мазкур танлов учун илмий-ижодий ишлар шу йилнинг 20 август — 20 сентябрь оралиғида тарғиб қилиш, миллий гуруҳ хиссини тарбиялаш, тилмизнинг халқаро маъқолини мустаҳкамлаш, энг муҳими, давлат тилига оид муаммоларни ҳал этишда ижодий ёндашувни ривожлантиришга қаратилган, — деди Вазирилар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти мудири Абдуғаффор Қирғизбоев.

Департамент Халқ таълими вазири билан ҳамкорликда 2020 йилнинг 20 августидан 2020 йилнинг 20 сентябрга қадар давом этди. Утган давр мобайнида ташкилий қўмитага 4 308 та видеодарс келиб тушди.

Танлов натижалари ва голибларни тақдирлаш маросими Ўзбек тили байрами куни арафасида ўтказилади ҳамда танловнинг расмий сайти ва ахборот хамкорлари ҳисобланган оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Шаҳзод ГАҒФОРОВ («Халқ сўзи»)

ХАЛҚАРО МАЙДОНЛАРДА

ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯЛАШ — ЭНГ КАТТА ОРЗУИМ

"Бу галабамизни сизга бағишладим, онажон!.." Болалигимдан бу сўзларни ўрганиб олган ва ҳар гал маҳалла стадионидаги футбол ўйинларидаги сурури дамларни фахр билан онамга шундай ҳўқоя қилардим.

Дил сўзи

"Толенинг баланд бўлсин, ўғлим!" дея онажоним менинг кичик ютукларимдан қувониб, қутлаган дамлари кўп бўлган.

Шу тариқа Учкўприк туманига қарашли Олмурод қишлоғидаги футбол ўйингоҳи эса ҳар куни ўзим каби ёш футболчиларим галабали ҳўқирқиларига тўларди... 2010 — 2015 йилларда Тошкентда — Футбол академиясининг "Спартак" футбол клубида маҳоратини оширдим. Ун саккиз ёшимдан Кўқон профессионал футбол клубида тўп сура бошладим. 2016 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сафига қўшилдим.

2018 йилда Хитойда 23 ёшлилар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионати футбол билан муштарак тақдиримга зафарли саҳифаларни битди. Давлатимиз раҳбарининг қўллови ва футболчиларга "Малибу" автомобилларининг топширилиши шонли галабамизнинг муносиб тантанаси бўлди.

Ютукларга эришаётган тенгдошларим қатори мен ҳам "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирландим. Фарғона давлат университетининг жисмоний тарбия факультетига имтиёзли равишда қабул қилиндим.

Миллий терма жамоаси сафига тўп сураётганим, ўзбек футболни келажакда ишониб топширилган юрт фарзандлари сафига борлигимнинг ўзи мен учун улкан бахт. Халқаро яшил майдонларда зафарли ўйинлар намойиш этиш, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш — менинг катта орзум.

Ойбек РУСТАМОВ «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиби.

Имтиҳон натижалари қачон эълон қилинади?

Олий ўқув муассасаларида аънавий таълим қанчондан бошланади? Бакалавр ва магистратура босқичининг тест натижалари қачон чиқади? Имтиҳонга кечиккан ёки кела олмаган абитуриентлар қайта имтиҳон топшира оладими? Шу каби саволларга жавоб бериш ҳамда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

Таълим

Анжуманда вазирилик раҳбарияти вакиллари, Тошкент шаҳридаги университетлар ректорлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Аънавий ўқув шаклини нафақат талабалар, балки профессор-ўқитувчилар ҳам соғинган, — деди Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик раҳбари бошқариш бўлими Абдували Холиқов. — Аммо ҳозирча ушбу таълим шакли қанчондан бошланиши номаълум. Сабоби университетларда ўқийдиган аксарият ёшлар талабалар тураржойларида яшайди, бу эса ўз-ўзидан одамлар гавжумлашишига сабаб бўлиши ва касалликнинг ортиш хавфини ошириши мумкин. Шу боис бу бўйича айни пайтда бошқа вазириликлар билан маслаҳатлашувлар кечаётганини маълум қиламиз.

Тадбирда бакалавр ҳамда магистратура босқичлари учун тест синовлари натижалари қачон эълон қилиниши юзасидан ҳам ахборот берилди.

— Магистратура босқичи асосий имтиҳонга пандемия симптомлари сабаб қатнаша олмаган абитуриентлар учун 27 сентябрь куни алоҳида тест синовини ўтказилади ва мана шу тестдан сўнг умумий натижалар (маנדат) эълон қилинади, — деди вазирилик ахборот хизмати бошлиғи Фарход Бабашев. — Аммо асосий имтиҳонга келмаган ёки кечиккан талабалар имтиҳон топширмайди. Шунингдек, бакалавр босқичи тест натижалари ҳам тахминан шу муддатда маълум қилиниши режалаштирилган.

Таъқидланганидек, бу йил олий ўқув юртлири бакалавриятнинг кундузи, сиртки ва кечки таълим шакллари бўйича жами 162 364 нафар абитуриент талабаларга қабул қилинади. Натижада ёшларни олий таълим билан қамраб олиш 9 фоиздан 25 фоизгача кўтарилди.

Вазирилик ахборот хизмати таълим вазирилик билан ҳамкорликда ташкил этилган тайёрлов курсларини муваффақиятли тамомлаган ва сертификатни қўлга киритган тингловчилар қўшма дастур бўйича ўқишга тўғридан-тўғри қабул қилинади.

Шунингдек, техникумларда икки йиллик таҳсилдан сўнг фанларни ўзлаштиришда алоҳида муваффақиятларга эришган битирувчилар олий таълим муассасасига ўқиган касби бўйича шўҳбат асосида ўқишга қабул қилинади.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам атрафлича жавоб берилди.

Юлдуз ЎРМОНОВА («Халқ сўзи»)

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

2021 йил учун олий таълимдан кейинги институтга қабул эълон қилади.

№	Ихтисослик шифри ва номи	Таянч докторантура	Докторантура
1.	08.00.01 — Иқтисодиёт назарияси;	+	
2.	08.00.02 — Макроиктисодиёт;	+	
3.	08.00.03 — Саноат иқтисодиёти;	+	
4.	08.00.04 — Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти;	+	+
5.	08.00.05 — Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти;	+	
6.	08.00.06 — Эконометрика ва статистика;	+	
7.	08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит;	+	+
8.	08.00.08 — Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит;	+	
9.	08.00.09 — Жаҳон иқтисодиёти;	+	
10.	08.00.10 — Демография. Меҳнат иқтисодиёти;	+	+
11.	08.00.11 — Маркетинг;	+	+
12.	08.00.12 — Минтақавий иқтисодиёт;	+	
13.	08.00.13 — Менежмент;	+	+
14.	08.00.14 — Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари;	+	
15.	08.00.15 — Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти;	+	
16.	09.00.04 — Ижтимоий фалсафа;	+	
17.	13.00.12 — Таълим-тарбия назарияси ва методикаси.	+	

Ихтисосликлар бўйича таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc)га танлов асосида қабул амалга оширилади.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

Таянч докторантурага: — университет ректори номига ариза;

- қисқача биографик маълумотнома / объективка;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим муассасаси бакалавр ва магистратураси дипломлари нусхалари;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

Докторантурага:

- университет ректори номига ариза;
- қисқача биографик маълумотнома / объективка;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим муассасаси бакалавр ва магистратураси дипломлари нусхалари;
- олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхалари;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

ҲУҶЖАТЛАР 2020 ЙИЛНИНГ 15 ОКТАБРИГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Маълумот учун телефон: 71-239-01-48, эл. манзил: www.tsue.uz

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирилик Тошкент архитектура-қурилиш институти

2021 йил учун олий таълимдан кейинги институтга қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади.

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА (PhD) (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 01.02.03 — Грунтлар ва тоғ жинслари механикаси;
- 01.02.05 — Суоқлик ва газ механикаси;
- 05.09.01 — Қурилиш конструкциялари. Бинолар ва иншоотлар;
- 05.09.05 — Қурилиш материаллари ва буюмлари;
- 05.09.08 — Қурилиш технологияси ва қурилиш жараёнларини ташкил қилиш;
- 08.00.03 — Саноат иқтисодиёти;
- 08.00.13 — Менежмент;
- 18.00.01 — Архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш;
- 18.00.02 — Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ тураржойларини режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси.

Талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома (объективка);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси ёки олий маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
- илмий раҳбарнинг ёзма розилиги;
- паспорт нусхаси;
- 3x4 см. ҳажмда 4 та фотосурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар ихтисослик ва чет тили бўйича кириш имтиҳонлари топширади.

ДОКТОРАНТУРА (DSc) (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 18.00.02 — Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ тураржойларини режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси.

Талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома (объективка);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси ёки олий маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
- паспорт нусхаси;
- 3x4 см. ҳажмда 4 та фотосурат.

Докторантурада ўқиш учун кираётган талабгорлар ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтади.

МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 01.02.03 — Грунтлар ва тоғ жинслари механикаси;
- 01.02.05 — Суоқлик ва газ механикаси;
- 05.09.01 — Қурилиш конструкциялари. Бинолар ва иншоотлар;
- 05.09.05 — Қурилиш материаллари ва буюмлари;
- 05.09.08 — Қурилиш технологияси ва қурилиш жараёнларини ташкил қилиш;
- 08.00.03 — Саноат иқтисодиёти;
- 08.00.13 — Менежмент;
- 18.00.01 — Архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш;
- 18.00.02 — Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ тураржойларини режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси.

Талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома (объективка);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштирилган магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштирилган бошқа илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
- иш жойидан тавсифнома;
- паспорт нусхаси;
- илмий раҳбарнинг ёзма розилиги;
- 3x4 см. ҳажмда 4 та фотосурат.

Мустақил изланувчилик талабгорларни танлаб олиш ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва қабул комиссиясининг тегишли ҳулосасига кўра амалга оширилади.

Ҳужжатлар 2020 йилнинг 15 октябрга қадар қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари жорий йилнинг 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Эслатма: талабгорлар <http://www.phd.mininnovation.uz> тизимидан рўйхатдан ўтишлари лозим.

Қўшимча маълумотларни 71-234-12-87, 71-234-11-37 телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин.

Электрон почта: taqi.ilmiybolim@mail.ru

Манзил: Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 7-уй, Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими.

Ушбу жойда СИЗНИНГ рекламаниз бўлиши мумкин эди! Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamax@mail.ru, reklama@xs.uz

«Халқ сўзи»даги Реклама бизнесингизни қўлаб-қувватлайди!

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси Жалил Ҳаллович НОРОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Маркетинг ва иқтисодиёт:

ЎЗАРО МУНОСАБАТ ТЎҒРИ ШАКЛЛАНГАНМИ?



Бозорлар — оила, корхона ҳамда фирмадан тортиб давлатлар ва жаҳон иқтисодиётигача бўлган жараёндаги иқтисодий-ижтимоий муносабатларни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Уларни бошқариш концепцияси эса маркетинг дейилади. Ривожланган давлатларда маркетингга илмий жиҳатдан, бозорлардаги талаблар асосида янги ғояларнинг айрилиши натижасида аҳоли ҳамда ишлаб чиқарувчилар эҳтиёжининг қондирилишини таъминлашга йўналтирилган фан, амалиётда эса "ижтимоий жараён" сифатида қаралади.



Таҳлил

Бундан ташқари, маркетинг глобал микёсда мамлакат (жаҳон)даги ягона ижтимоий-иқтисодий тақдорланувчи тизим фаолиятини инқирозларсиз, фақат рағбатлантириш тамойили асосида бошқаришни ташкил этиш стратегияларини тавсия қиладди. Кўриниб турибдики, иқтисодиёт ва жамият ривожидида маркетингнинг алоҳида ўрни бор. Шундан келиб чиқиб, ўқувчиларга маркетинг ҳақида кенгрок тушунча берсак мазкур соҳанинг аҳамияти, бугунги ҳолати хусусида фикр юритсак, фойдадан холи бўлмайди.

тиббий, божона, давлат хизматлари ва бошқа тизимлари бозор механизмларидан кўпроқ фойдаланиш асосида ривожланишни йўналишлари белгилаб берилмоқда.

Фикримизча, 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг амалда бажарилишини таъминлаш учун қабул қилинган ва қилинаётган дастурлар ҳамда "Йўл хариталари"да белгиланган мақсадларга жорий йилдаги оғир ҳолатда ҳам эришишга имкониятлар мавжудлиги амалда ўз тасдиғини топмоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат ишқорлигини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда у билан тасдиқланган 2020 — 2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегиясини мамлакатимиз иқтисодиётининг тамоман янги, жаҳон бозори талабларига мувофиқ сифат кўрсаткичлари асосида ривожланишига йўл очиб берувчи, маркетинг жиҳатдан баҳоланганда, "инқилобий ҳужжат" деб айтиш мумкин. Чунки мазкур масалалар фақат маркетинг тадқиқотлари объектиларини ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш ҳамда Молия вазирликлари ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолияти ҳам ҳақиқий бозор иқтисодиётини бошқариш тамойилларига мувофиқлаштираётганлиги қувонarli.

Стратегияда биринчи марта мамлакатимизда режалаштириб амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий тармоқлардаги

юқори даражадаги ўсиш суръатлари самарадорлигини янада ошириш, уларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаб бориш ҳамда яқиний натижаларни назорат қилишининг халқаро стандарт муҳитини шакллантириш ва усулларидан фойдаланиш имконияти яратилмоқда. Стратегиянинг асосий мақсади — самарали фаолият юротиладиган бозорларни ҳамда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, инвестициялар оқимини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишдир. Шундан келиб чиқиб, қатор аниқ вазифалар белгиланган ва 2024 йилгача эришилаётган стратегия самарадорлигининг мақсади микдорамли кўрсаткичлари аниқланган.

Мазкур стратегиянинг амалиётда бажарилишини таъминлаш бўйича, аввало, хозиргача қабул қилинган ва тадбиркорликни янада ривожлантиришга тўсик бўлиб турган камда 3 мингта норматив-ҳуқуқий ҳамда 20 мингта техник тартибга солиш бўйича ҳужжатларни рақобатга зид меъёrlардан тозалаш, келажакда улар тасдиғини халқаро стандартлар тамойили асосида баҳолашга ўтиш каби ишлар бажарилади. Стратегиянинг бош йўналиши эса "Самарали фаолият юротиладиган бозорларни ва уларда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш"дир.

Соғда айтилганда, мамлакатда хозир фаолият юротиладиган бозорлар, чакана ва улгурчи савдо, дорихоналар, ошхоналар, товар биржалари ҳамда хизмат кўрсатиш субъектлари учун рақобатни янада ривожлантириш бўйича барча имкониятнинг яратилиши. Тадбиркорлар сонини кўпайтириш, давлат харидлари ва бошқа товар таъминоти билан боғлиқ тендер жараёnlарида шаффофликни қўчайтириш, биржа савдоси асортиментини кенгайтириш, уларда нархлар "ўйин"ларининг олдин олиш, газ, сув, электр энергияси, ҳаво ҳамда темир йўл транспорт, дори-дармонлар, ёғ, ун ва бошқа рақобат монопол тарифлари ҳамда нархларини давлат томонидан оқилона тартибга солиш тизимини яратиш, табиий монопол соҳа-

ларга хусусий бизнесни жалб қилиш орқали рақобатни ривожлантириш ва бошқалар кўрсатиб берилган.

Демак, стратегияда белгиланган чора-тадбирлар амалиётда улгурчи ва чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқларида амалга оширилаётган жараёnlарни қамраб олади. Аини пайтда мамлакатимизда ишга яроқли одамларнинг қарийб учдан икки қисми савдо ва хизматлар соҳасида банд эканлигини, 80 фоизга яқин товар ҳамда хизматларга эҳтиёж шу соҳаларда қондирилаётганини инобатга олсак, бу жуда аҳамиятли. Шу билан бирга, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган, юқори қўшилган қийматли товарларни импорт қилиш ҳам тадбиркорларни янги ишлаб чиқаришни бошлашга етаклайди.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдо айланмаси ва савдо майдонлари билан таъминланганлик кўрсаткичи мамлакатлар аҳолиси турмуш даражасини белгиловчи халқаро статистика ҳисоботида киритилган. Аммо шундай катта ижтимоий-иқтисодий салохиятга эга бозор субъектларининг алоҳида ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун хозиргача қонун қабул қилинмаган. Шу сабабли давлат бошқаруви ҳам ташкил этилмади.

Мустақиллик йилларида маркетинг савдонини ҳам ўз ичига олади, дея нотўғри шаклланган назарий тушунча сабабли савдонинг илми, техника ва технологияси ҳамда хизмат кўрсатиш усуллари борлиги инкор этилиб, мухтассислар тайёрлаш ҳам тўхта-тилган. Натижада бу борада илмий тадқиқотлар ҳам йўқ ҳисоби.

Шаҳар ва қишлоқларда қурилаётган савдо мажмуалари — дўкон, ошона, бозорлар, дорихоналар биноларини жойлаштиришдаги ҳаттоликлар сабабли, айниқса, шаҳарларда транспорт оқимларини бошқаришда қўйинчиликларга дуч келинмоқда. Савдонинг энг асосий кўрсаткичи — савдо маданияти пасайиб кетмоқда. Чунки савдо шўба-чаларида малакаси паст сотувчилар кўпайиб кетди. Мамлакат чакана савдо айланмасининг 70 фоизи кичик дўконларда, яъни товарларни сақлаш, кўрсатиш ва сотишга, қаролатиш савдо қўлтига мосланмаган жойларга тўғри келади. Бу кўрсаткичлар ривожланган мамлакатларда айнан

тескари. Ушбу ҳолат Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг ички бозорда асортиментини кўпайтириш, ўттиш импорт товарларни ситиб чиқариш каби энг катта муаммони ҳал қилишга йўл бермапти.

Тадқиқотлар кўрсатишича, савдо ходимлари, айниқса, сотувчиларнинг савдо хизмати қондаларини ўқимаганлиги туфайли товарларни намойиш қилиш жараёнида "миллий гуруҳ" кўрсаткичи паст даражада. Мана шу ҳолатда ишлаб чиқарилаётган миллий маҳсулотларнинг, аввало, ўзимизда сотилиши ва рекламасини ташкил этиш муаммоларини ҳал қилиш ўз-ўзидан импорт товарлар улуши пасайишига олиб келади.

Бундан ташқари, хозир мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган товарларга бўлган талабни вилоятлар кесимида аниқлаб бориш, ортиқчасини экспорт қилиш ва етишмайдиغان товарлар ҳамда хом ашёлар ҳажминини аниқлаш орқали импорт асортиментини асослаш каби давлат иқтисодий-ижтимоий сисёати мазмунини ифодаловчи ўта муҳим вазифа билан ҳеч қайси вазирлик шугулланмаётгани йўқ. Аслида, кўп мукоҳама ва мулоҳаза қилинаётган бозорлардаги коррупцияни чегаралаш имкониятлари ҳам мана шу ерда. Юқоридаги салбий ҳолатлар мамлакатимизда савдонини бошқаришни давлат тизими асосида ташкил этишни тақозо қилмоқда.

Бизнингча, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари қаторида, савдо ва хизматлар соҳаларини ҳам 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ҳамда стратегиясини ишлаб чиқариш ўта долзарб. Товарлар ва хизматлар бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегиясининг амалда бажарилишини таъминлашнинг ўта муҳим йўналиши сифатида олий таълимнинг иқтисодиёт йўналишидаги фанларнинг назария методологияси ва амалиёти мазмун-моҳиятини қайта кўриб чиқиш зарур.

Стратегияда қайд этилган, бозорлардаги рақобатни ривожлантириш, назорат қилиш ва баҳолаб бориш халқаро стандарт тушунчаларини, биринчи навбатда, маркетинг фанлари ўқув мажмуаларига киритиш

билан бирга, янги маркетинг аудити фани дастури ишлаб чиқилди. Уни ўзбек ҳамда инглиз тилларида магистратурада ўқитишга тайёргарлик кўрилиб, дарслиги ҳам яратилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиёти экспорт салоҳиятини оширишда Жаҳон савдо ташкилоти ва Евросиё иқтисодий иттифоқига аъзо бўлмаганлигимиз сабабли хозир экспорт товарларимизнинг таннари бож тўловлари ҳисобида 15 фоизгача ошиб кетмоқда. Мазкур муаммолар ечимини ҳам маркетинг тадқиқотларини ривожлантириш орқали топиш мумкин. Масалан, Россия ЖСТга аъзо бўлишдан олдин саноатнинг барча соҳаси бўйича маҳсулотлари таннарини пасайтириш омилиларини маркетинг тадқиқотлари асосида аниқлагандан кейин тегишли хулосалар қилинган.

Ўзбекистонда маркетинг ва савдо хизматлари рақнақи борасидаги муаммо рақобатни ривожлантириш стратегияси билан ҳаммаган эканлиги яна бир янги йўналишга, яъни иқтисодиётни бошқаришни соҳалар (саноат, транспорт, таълим, тиббиёт ва бошқалар)га асосланган тизимдан, уларнинг бозорларини бошқариш модели шаклига ўтишда ҳам ўз аксини топади. Бу соҳада "Ўзбекистон мақлисанона" уюшмасида замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланган ҳолда ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Мана шу янги бошқарув моделига ўтиш биз мулоҳаза қилаётган масалалар ва рақобатни ривожлантириш стратегиясининг муваффақиятли амалга оширилиши, шунингдек, жаҳон ҳамжамиятига чуқурроқ интеграциялашувимизга имконият яратяди.

Аҳмаджон СОЛИЕВ, Наманган муҳандислик-технология институти Маркетинг кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.

ЭЪЛОН

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

2021 йил учун олий таълимдан кейинги институтга қўйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади.

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 01.04.04 — Физик электроника;
01.04.10 — Яримўтказгичлар физикаси;
02.00.06 — Юқори молекуляр бирикмалар;
02.00.08 — Нефть ва газ кимёси технологияси;
02.00.16 — Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари;
03.00.10 — Экология;
03.00.12 — Биотехнология;
04.00.02 — Каттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш.
04.00.07 — Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш;
04.00.09 — Маркшейдерия;
04.00.10 — Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш);
04.00.11 — Кудуқларни бургилаш ва ўзлаштириш технологияси;
04.00.16 — Кончилик машиналари;
05.01.06 — Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари;
05.01.08 — Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш;
05.02.01 — Машинасозликда материалшунослик. Куймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси;
05.02.02 — Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина деталлари;
05.03.01 — Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (тармоқлар бўйича);
05.05.02 — Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари. Электротехник мажмуалар ва қурилмалар;
05.05.04 — Саноат иссиқлик энергетикаси;
05.05.06 — Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари;
05.08.06 — Филдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш;
05.10.01 — Мехнатни муҳофаза қилиш ва инсон фаолияти хавфсизлиги;
07.00.01 — Ўзбекистон тарихи;
08.00.03 — Саноат иқтисодиёти;
11.00.06 — Геодезия. Картография;
13.00.01 — Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент.

Талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:
— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— олий таълим муассасаси магистратураси ёки олий маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида 1 та мақола ва 2 та тезис) ҳамда уларнинг нусхалари.
— илмий раҳбарнинг ёзма розилиги;
— паспорт нусхаси;
— 3x4 см. ҳажмда 4 та фотосурат.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади.
Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар ихтисослик ва чет тили бўйича кириш имтиҳонлари топширади.

ДОКТОРАНТУРА (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 02.00.06 — Юқори молекуляр бирикмалар;
02.00.16 — Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари;
05.03.01 — Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (тармоқлар бўйича).

Талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:
— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги дипломи нусхаси;
— тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида 3 та мақола ва 2 та тезис) ҳамда уларнинг нусхалари;

- паспорт нусхаси;
— 3x4 см. ҳажмда 4 та фотосурат.

Докторантурада ўқиш учун қираётган талабгорлар ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтади.

МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)

- 01.04.04 — Физик электроника;
01.04.10 — Яримўтказгичлар физикаси;
02.00.06 — Юқори молекуляр бирикмалар;
02.00.08 — Нефть ва газ кимёси технологияси;
02.00.16 — Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари;
03.00.10 — Экология;
03.00.12 — Биотехнология;
04.00.02 — Каттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш.
04.00.07 — Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш;
04.00.09 — Маркшейдерия;
04.00.10 — Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш);
04.00.11 — Кудуқларни бургилаш ва ўзлаштириш технологияси;
04.00.16 — Кончилик машиналари;
05.01.06 — Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари;
05.01.08 — Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш;
05.02.01 — Машинасозликда материалшунослик. Куймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси;
05.02.02 — Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина деталлари;
05.03.01 — Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (тармоқлар бўйича);
05.05.02 — Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари. Электротехник мажмуалар ва қурилмалар;
05.05.04 — Саноат иссиқлик энергетикаси;
05.05.06 — Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари;
05.08.06 — Филдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш;
05.10.01 — Мехнатни муҳофаза қилиш ва инсон фаолияти хавфсизлиги;
07.00.01 — Ўзбекистон тарихи;
08.00.03 — Саноат иқтисодиёти;
11.00.06 — Геодезия. Картография;
13.00.01 — Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент.

Талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:
— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
— фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёхуд хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
— иш жойидан тавсифнома;
— паспорт нусхаси;
— 3x4 см. ҳажмда 4 та фотосурат.

Мустақил изланувчилик талабгорларни танлаб олиш 2020 йил 30 ноябргача бўлган муддатда ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва қабул комиссиясининг тегишли хулосасига кўра амалга оширилади.

Ҳужжатлар 2020 йилнинг 15 октябргагача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 2020 йилнинг 1 — 20 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Кўшимча маълумотларни 71-227-19-47 телефон рақами орқали олишингиз мумкин. http://www.phd.mininnovation.uz/ тизимидан рўйхатдан ўтиш лозим.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Университетлар кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат техника университети, илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш бўлими.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper featuring the editor-in-chief, contact information, and subscription details. Includes a QR code and ISSN number.